АГНКС ускуналарини жорий капитал ремонт қилинаётганда «Таъминотчи», «Истеъмолчи» ни уч суткадан кечикмай, капитал ремонтда эса иш бошланишидан камида 15 кун огоҳлантириш лозим.

11. «Таъминотчи» қуйидагиларга ҳақлидир:

а) автомобилнинг газ ускуналаридан фойдаланиш, ўлчов-назорат асбоблари ва тўғрилигини текшириш.

б) сиқилган газда юрадиган автомобилни бошқариш учун ҳайдовчининг ҳужжати мавжудлигини текшириш.

в) «Истеъмолчи» томонидан ўрнатилган қоида, тўлдириш чекловлари ва ушбу шартнома шартларини бажармаган пайтда автомобилга сиқилган газ тўлдириб бермаслик.

## 3. ГАЗНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

12. «Истеъмолчи» га жўнатиладиган сиқилган табиий газ миқдори «Таъминотчи» ускуналари ёрдамида «Ўзбекнефтгаз» томонидан 28.11.95 йилда «Жўнатиладиган АГНКС газининг миқдорини ўлчаш услублари ҳақида» ги Ўзбекистон Республикасининг 51-034-94 қарори ва «Истеъмолчи» билан ҳисоблашишда АГНКС сиқилган газ ҳисоблаш қўлланмаси (12.04.96 й) асосида тасдиқланган газ тўлдириш компрессор станциясида тўлдириладиган автомобилларга жўнатиладиган газ ҳажмини аниқлаш таблицасига мувофиқ ўлчанади. 0020

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

13. «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» қуйидаги ҳолларда газни бериш ва олишни камайтиришлари мумкин:

а) магистрал газ қувурларида, шаҳар газ ва электр тармоқларида, олдиндан билиш мумкин бўлмаган шароитларда юзага келган аварияларда;

б) ёнғин, зилзила, сув тошқини ва бошқа даврий фалокатларда;

в) магистрал газ қувурлари, шаҳар газ ва электр тармоқларининг навбатдаги таъмирлаш ишлари пайвандлаш ишлари вақтида.

14. СТГ ни тўлаш мажбуриятини амалга оширишни таъминлаш мақсадида томонлар қўшимча, яъни қарздорнинг мулкини гаровга ушлаб туриш бўйича, ёки «Таъминотчи»,«Истеъмолчи» дан кафолат мажбуриятининг расмийлаштирилган кўринишини ёки нотариал идорада тасдиқланган ҳужжатни талаб қилиши ҳақидаги қўшимча шартнома тузишлари мумкин.

15. Ушбу шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

## 5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

16. Ушбу шартнома томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31 Декабр 2022 йилгача амал қилади.

17. Шартнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси «Таъминотчи» да, яна бир нусхаси эса «Истеъмолчи» да бўлади.

Ушбу шартномада кўрсатилмаган масалалар бўйича томонлар «Истеъмолчи» ларга газни магистрал газ қувурлари орқали етказиб бериш ва «Автотранспорт воситаларини сиқилган газ тўлдиришга жўнатиш тартиблари» қонунларига мурожаат қиладилар.

18. Ушбу шартнома борасида мунозарали баҳслар, шартнома бажарилиш пайтида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчиликда ўрнатилган тартибда иқтисодий судларида кўриб чиқилади.

Шартномага илова:

а) ДАН дан рўйхатдан ўтказилган автомобилларнинг сони ва маркаси кўрсатилган газдан фойдаланиш ҳисоби.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

| «ТАЪМИНОТЧИ» | «ИСТЕЪМОЛЧИ» |
|---|---|
| «СИРЛИ ОКШОМ ТАРОВАТИ»МЧЖ | Махсус эксплуатация-монтаж бўлими |
| Мирзобод .Т | Мирзаобод туман Бирлашган кўр. |
| х/р 20208000604864049001 | 23402000300100001010 марказий банк ХКК М. |
| Мирзаобод АТ Халк Банк. **МФО 00767** | МФО: 00014. ИНН: 200322908 |
| НН: 301689620 ИФТУТ : 47300 | Сир вил Газначилиги |
| Тел: 998673104211 | 10000218602744017045206710001 |
| Собиров .Н ________ | Рахбар: ________ Ф. Эгамбердиев |

ҲУКУКИЙ ХУЛОСА
20__ йил «___» ________ кундаги №_____ сонли шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва амалдаги бошқа қонунлар талаблари бўйича таҳлилдан (экспертизадан) ўтказилганда. Ушбу шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўз Р Фуқаролик Кодексининг 353-385, 386-424-моддалари ҳамда Ўз Р «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 10-11 моддалари талабига риоя қилиб, тўғри тузилганлигига хулоса қиламан.
Хукукшунос: Э.Бойбўтаев